O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASI HUZURIDAGI
TA'LIM SIFATINI NAZORAT QILISH
DAVLAT INSPEKSIYASI

# Таълим сифатини таъминлашдаги долзарб чақириқлар:

## малакалар рамкаси ва кредит-модуль тизими

**А.А.Одилов –** Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси бош бошқарма бошлиғи

**Тошкент 2020**

# ЎЗБЕКИСТОН МЕҲНАТ БОЗОРИ ТУЗИЛМАСИ



# ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛДАГИ ТАЪЛИМ ДАСТУРЛАРИ ВА ТАЪЛИМНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТ КЛАССИФИКАТОРИ ДАРАЖАЛАРИ

| МСКО | ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИДАН БОШЛАБ | РЕСПУБЛИКАДА АМАЛДАГИ ҲОЛАТ |
|---|---|---|
| МСКО 8 | Докторантура | Докторантура |
| МСКО 7 | Магистратура | Магистратура |
| МСКО 6 | Бакалавриат | Бакалавриат |
| МСКО 5 | Ўрта махсус професcионал таълим (техникум) | |
| МСКО 4 | Ўрта профессионал таълим (коллеж) | |
| МСКО 3 | Бошланғич профессионал таълим (касб-ҳунар мактаби) | Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими |
| МСКО 2 | Умумий ўрта таълим | Умумий ўрта таълим |
| МСКО 1 | Бошланғич таълим | Бошланғич таълим |
| МСКО 0 | Кичик ёшдаги болалар таълими | Мактабгача таълим |

# МИЛЛИЙ МАЛАКА ТИЗИМИ

**меҳнат бозорида кадрлар квалификациясига қўйилган талаблар ва таълим тизимидаги таклифлар мутаносиблигини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий ва институционал механизмлар мажмуаси** *(малакалар бўйича миллий сиёсатни ишлаб чиқиш ва юритиш, институционал келишувлар, таълим сифатини таъминлаш жараёнлари, баҳолаш ва даража бериш, малакаларни тан олиш ва бошқ)*



# Квалификация (малака) тавсифлари

**МКР** *(миллий квалификация рамкаси)* **– малака даражаларининг умумлашган тавсифи бўлиб, тармоқ рамкасини ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилади.**

**ТКР** (тармоқ квалификация рамкаси) **– тармоқ хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади.**

**ТКР вазифаси лавозимларни батафсил ва тўлиқ ёритиш**

# Ўзбекистон Миллий квалификация рамкаси (лойиҳа)

| Квалификация даражалари | Билим | Кўникма | Компетенция |
|---|---|---|---|
| **1 - даража** | Меҳнат ёки ўқув соҳасидаги умумий билимлар | Стандарт ва оддий вазифаларни бажариш | Кузатув остида ишлаш ва ўрганиш |
| **2 - даража** | Меҳнат ёки ўқув соҳасидаги махсус билимлар | Стандарт ва оддий вазифаларни оддий қоидаларва инструментлар орқали бажариш, йўриқнома бўйича ҳаракат қилиш усулини танлаш | Қўйилган вазифаларни тушуниш, раҳбарлик остида қисман мустақил равишда меҳнат қилиш ва ўрганиш қобилияти |
| **3 - даража** | Меҳнат ёки ўқув соҳасидаги принциплар, жараёнлар ва умумий концепциялар ҳақидаги умумий махсус билимлар | Асосий усуллар, инструментлар, материаллар ва маълумотларни танлаш ва қўллаш учун талаб қилинадиган вазифаларни бажариш, мустақилликни намойиш қилиш | Масъулият, вазиятдан келиб чиқиб қарор қабул қилиш, жумладан, ўз-ўзининг мустақил бандлигини таъминлаш |
| **4 - даража** | Меҳнат ёки ўқув соҳасини умумий қамраб олувчи кенг миқёсли амалий ва назарий билимлар | Аниқ муаммоларни ҳал қилиш учун зарур бўлган амалий маҳоратлар. Маълум бўлган ҳаракатлар орасидан мақбулини танлаш | Қўйилган мақсадни ҳал қилиш учун бажариш зарур бўлган вазифаларни мустақил белгилаш.<br>Иш натижасини олдиндан кўра билиш ва шунга кўра ўз ҳаракатини тўғрилаш қобилияти |
| **5 - даража** | Меҳнат ёки ўқув соҳасидаги ҳар томонлама ихтисослаштирилган махсус ва назарий билимлар, шунингдек ушбу билимлар чегараларини англаш | Абстракт муаммоларни ижодий ҳал қилиш учун талаб қилинадиган англаш ва амалий маҳоратнинг ҳар томонлама кўлами. Профессионал вазифаларни ҳал қилиш учун зарур бўлган ахборотни мустақил излаш қобилияти. | Ташкилотнинг ички вазифаларини бажариш учун меҳнат жараёнини мустақил бошқариш ва назорат қилиш қобилияти. Ўзи ва бошқаларнинг фаолиятини таҳлил қилиш ва такомиллаштириш. |

| Квалификация даражалари | Билим | Кўникма | Компетенция |
|---|---|---|---|
| 6 - даража | Назария ва энг муҳим тамойилларни танқидий тушунишни ўз ичига олувчи меҳнат ёки ўқув соҳасидаги илғор билимлар | Меҳнат ёки ўқишнинг ихтисослаштирилган соҳасидаги мураккаб ва кутилмаган муаммоларни ҳал қилиш учун зарур бўлган янгиликлар эгаллаганлигини тасдиқловчи илғор қобилиятлар. Фаолият, усуллар ва уларнинг натижаларини баҳолаш. | Меҳнат ёки ўқишнинг кутилмаган контекстида қарор қабул қилиш даражасида масъулиятни талаб қилувчи, фаолиятнинг мураккаб техник ва профессионал турларини бошқариш.<br>Якка тартибдаги ва жамоавий ривожланиш соҳасида ўзига масъулиятни қабул қилиш. |
| 7 - даража | Муайян қисми меҳнат ёки ўқув соҳасида муҳим бўлган ва аралаш соҳаларда оригинал ва танқидий мулоҳазалар юритиш ва/ёки тадқиқотлар учун асос бўлувчи юқори даражада ихтисослашган билимлар | Янги билимларни, тартиботларни ривожлантириш ва турли соҳаларга тааллуқли билимларни интеграциялаш учун ўтказиладиган илмий-тадқиқотларда ва/ёки фаолиятда инновация талаб қилинадиган махсус тадқиқот ўтказиш қобилияти.<br>Фаолият, усуллар ва натижалар ва профессионал фаолият соҳаси ва ундан ташқари соҳалар учун қисқа муддатли ва узоқ муддатли оқибатларини танқидий баҳолаш. | Мураккаб, кутилмаган ва янги стратегик ёндошувларни талаб қилувчи профессионал ёки ўқув контекстларни бошқариш ва ушбу контекстларни ўзгартириш. Профессионал билимлар ва амалиётга ҳисса қўшиш ва/ёки жамоалар стратегик меҳнат унумдорлигини текшириш бўйича масъулиятга эга бўлиш. |
| 8 - даража | Меҳнат ёки ўқувнинг илғор соҳасида ва соҳалараро юқори даражада ихтисослашган билимлар | Илмий тадқиқотлардаги ва/ёки инновациялардаги ўткир муаммоларни ҳал қилиш учун ва мавжуд билимлар ёки профессионал амалиётни қайта кўриб чиқиш учун зарур бўлган, синтез ва баҳолашни ўз ичига олувчи илғор ва ихтисослашган маҳорат ва усуллар. Фаолият, усуллар ва натижаларни ва уларнинг қисқа муддатли ва узоқ муддатли оқибатларини танқидий баҳолаш. | Меҳнат ёки ўқув соҳасида, жумладан, тадқиқот йўналишида янги ғоялар ёки жараёнлар ишлаб чиқаришда юксак даражадаги обрў, инновациялар, мустақиллик ва профессионал мукаммалликни намоён қилиш. |

| Квалификация даражаси | Квалификацияга эришиш босқичлари |
|---|---|
| 1 | Амалий тажриба ва/ёки иш жойида қисқа муддатли ўқув (инструктаж) ва/ёки камида бошланғич маълумот даражасидаги таълим бўйича қисқа муддатли курслар. |
| 2 | Камида асосий ўрта маълумотдан паст бўлмаган умумий ўрта таълим бўйича амалий тажриба ва/ёки профессионал таълим (таълимни ташкил қилиш ёки корхонада ўқиш базасида қисқа муддатли курслар). |
| 3 | Бошланғич профессионал таълим (ўрта махсус, профессионал таълим). Профессионал таълим (бир йилгача касбга тайёрлаш дастурлари бўйича таълим ташкилотлари базасидаги курслар ёки корхонада ўқитиш) ва камида умумий ўрта таълим бўйича амалий тажриба. |
| 4 | Ўрта (тўлиқ) умумий таълим ёки бошланғич профессионал таълим базасида ўрта профессионал таълим ёки профессионал тайёргарлик (бир йилгача касбга ўқитиш дастурлари бўйича таълим муассасалари базасидаги курслар ва қўшимча профессионал таълим дастурлари), амалий тажриба. |
| 5 | Ўрта (тўлиқ) умумий таълим ёки бошланғич профессионал таълим ёки ўрта профессионал таълим базасида ўрта махсус профессионал таълим, амалий тажриба, ёки олий таълим. |
| 6 | Олий таълим, амалий тажриба. |
| 7 | Олий таълим, амалий тажриба. Олий таълимдан кейинги таълим, амалий тажриба. |
| 8 | Олий таълим, амалий тажриба. Олий таълим, амалий тажриба ва/ёки олий таълимдан кейинги таълим, амалий тажриба. |

# Кредит-модуль тизимининг устунликлари



Талабалар қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда ўзларининг индивидуал таълим траекторияларини белгилай оладилар



Талабалар дарс жадвалини мослаштириш имкониятига эга




Талабаларда ўзини-ўзи бошқариш ва мустақил таълим олиш кўникмаларини шакллантира оладилар

# Кредит-модуль тизимининг устунликлари



Таълим натижаларини таққослаш ва тан олишни осонлаштиради, академик мобилликни ривожлантиради




Профессор-ўқитувчиларга академик эркинлик беради (нимани ўқитиш ва қандай ўқитиш)




Бошқарув ва ўқув жараёни харажатларини оптималлаштириш ва самарадорлигини ошириш

# Кредит-модуль тизими: мифлар

“1 кредит = 30 академик соат.”
“Дарсга қатнашиш шарт эмас.”



# Кредит-модуль тизими: мифлар

“Мен таълимнинг компетенцияга асосланган моделига ўтяпман, демак мен дарсда нафақат билим бераман, балки вақти-вақти билан кино намойиш қиламан”



# Кредит-модуль тизими: мифлар

“Талабаларга фан дастурида берилган билимни берсам етарли, меҳнат бозори талаб қиладиган бошқа нарсаларни (мантиқий фикрлаш, ...) ўқитишим шарт эмас”



# Кредит-модуль тизими: мифлар

“Дарсни маърўзалар ва амалий машғулотлар кўринишида ташкил эта оламан. Маърўзада қамраб олинмаган материални семинарда ўтаман”



# Кредит-модуль тизими: мифлар

“Агарда мен фанни мазмунини тўлиқ тушунтириб бермасам, талабалар имтиҳондан ўта олмайди”



# Кредит-модуль тизими: мифлар

“Талабалар менинг дарсимсиз фанни мустақил ўзлаштира олмайдилар, уларга тўлиқ мустақиллик бера олмайман”



**ЭЪТИБОРЛАРИНГИЗ УЧУН РАҲМАТ**